



ARTICLE INFO

Received: 14th December 2022

Accepted: 25th December 2022

Online: 26th December 2022

KEY WORDS

Креативлик, таълим, бошқарув, яратувчанлик, ташаббускорлик, жамият, ижодкорлик.

Гилдиракнинг кашф этилишидан бошланган яратувчанлик намуналари бугун коинотда кезиб юрибди. XXI аср “Техника асри”да инсон ақлий тафаккури, ижодкорлик қобилияти билан мўжиза кўрсатиш даражасига етиб борди. Бугун инсон ақлий тафаккурига бўлган эҳтиёж ортиб, жисмоний ҳаракатга бўлган эҳтиёж камайиб бормоқда. Сабаби, инновациялар кундалик турмушимизда қулайликлар яратади, оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилади. Шу тарзда креативлик тараққиётнинг ажралмас бўлагига айланган. Барча соҳада ижодий фикрловчи мутахассисларга талаб катта. Дунёга машҳур дастурий маҳсулотлар, техника воситалари, мобил телефонлар ишлаб чиқарувчи компаниялар мутахассисларидан ҳар куни янги ғоя сўралади.

Креативлик бу умумий маънода ижодкорликдир ва ушбу жараёнда маълум бир янгилик шакллантирилади. Яратилган маҳсулот номоддий (ғоя,

КРЕАТИВЛИКНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Исмоилова Ҳайитхон Маҳаммадҷоновна

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти “Ижтимоий-иқтисодий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Расулов Сайдулло Рустамжон ўғли

Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институти Иқтисодиёт йўналиши 1-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7485205>

ABSTRACT

Мақолада креативлик тушунчаси, креативликнинг жамиятдаги ўрни, ҳозирги глобаллашув даврида креативликка бўлган эҳтиёж илмий манбаалар асосида ёритиб берилган. Таълим тизимида креативликнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

илмий назария, мусиқий композиция, ҳазил) ёки жисмоний объект (ихтиро, босма нашр) бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда дунёда шахсий ижодкорлик тобора муҳим фазилатга айланиб бораяпти. Чунки меҳнатга лаёқатлилар сони тобора ортиб бормоқда, иш ўринлари эса кўп эмас. Рақобатчиларни енгилб ўтиш учун афсуски фақатгина аниқ формулаларга асосланган билимни ўзигина етарли дея олмаймиз. Компания ва ташкилотлар ҳар томонлама мукамал кадрларни талаб қилмоқда, ишга олинаётганда талабгорнинг ижодий фикрлаши тажрибадан кейинги асосий ўринга қўйилмоқда. Шу ўринда агар сиз креатив фикрлаган бўлсангиз, - “Ўша компанияни ўзим очсам-чи? Мен иш сўраб мурожаат қилгандан кўра ўзим иш берувчи бўлишни мақул кўрган бўлардим” дейишингиз ҳам мумкин. Лекин таъкидлаш керакки ҳамма ҳам шахсий корхонага ва бизнесга эга бўлишга қодир эмас ва жамиятдаги кўплаб бошқа касблар айнан рақобатни



ва тинимсиз ўз устида ишлашни тақозо этади.

Жамиятда креативларнинг акси бўлмиш инсонлар мавжуд, биз уларни реалистлар деб аташимиз мумкин. Бундай инсонлар ўз фаолиятлари давомида кўпинча аввалдан мавжуд бўлган стандартлар асосида иш кўришади, янгиликлар ҳақида ўйлагунча вазифаларини тезроқ битиришга ҳаракат қилишади. Ана шундайлар қаторига Қадимги Юнонистон файласуфи Платонни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. У ижодкорлик тушунчасини рад этиб, санъатни яратувчанлик эмас балки кашфиётлар жараёни сифатида қабул қилган. "Биз рассом ҳақида бирор янги нарса яратаяпти деймизми?" деган саволга Платон шундай жавоб беради: "Албатта, йўқ, у шунчаки тақлид қилади"¹ Ижодкор инсонлар эса кўпинча таваккалга йўл қўйишади ва эскиликдан қочган ҳолатда иш кўришади. Давлат бошқаруви ва иқтисодиётда эса ихтисослашган йўналишларни тарқ қилмаган ҳолда ўзга соҳаларни ҳам синаб кўришни таклиф қиладилар. Бундай кадрлар давлат имиджи ҳамда саноатга ранг-баранглик бағишлайди.

Албатта креативлик одатда ёзувчи, шоир ва рассом каби ижодкор касб эгаларида мужассам бўлиши керак. Лекин креатив фикрлаш умумий тадбиққа эга. Тўғри сиз бир қанча китоблар муаллифи бўлмаслигингиз мумкин аммо барча каби ўз ҳаёт

китобингизни ёзаяпсиз, сизга буни кимдир айтиб ёздирётгани йўқ.²

Таълимда ижодкорлик ҳақида фикр юритсак. Ижодий таълим - бу талабалар таваккал қилишлари, мустақил ва мослашувчан бўлишлари, янги ва мазмунли ғояларни яратиш учун тасаввур ва танқидий фикрлашдан фойдаланиш мумкин бўлган таълим шаклидир³. Бунда ўрганилган нарсаларни такрорлашга ўргатиш ўрнига, талабалар муаммонинг турли хил ечимларини топиш қобилиятини ривожлантиришни ўрганадилар⁴. Ижодкорликка илмий қизиқиш бир қанча фанларда, биринчи навбатда, психология, бизнес тадқиқотлари ва когнитив фанларда учрайди. Бироқ гуманитар фанлар, фалсафа, санъат, ижтимоий фанлар (соцсиология, тилшунослик, иқтисодиёт), муҳандислик, технология ва математикада ҳам кенг тарқалган⁵. Барчамизга маълумки ушбу технология асрида ёшлар эътиборини чалғитувчи омиллар ҳар қадамда учрайди: ижтимоий тармоқлар, мобил ва видео ўйинлар, телевиденияда эса турли ҳил мантиқсиз шоу ва сериаллар. Афсуски, айнан ўша машғулотларга китоб ўқишга сарфланган вақтдан бир неча баробар кўп сарфланаяпти, бундай "қопқон"лардан қутилиш осон кечаётгани йўқ. Булардан келиб чиқиб

² J.Adair. "The art of creative thinking"

³ Gibson, Robyn. "The 'art' of creative teaching: Implications for higher education"

⁴ Toni Bernhard. "What Type of Thinker Are You?"

⁵ Anderson, Neil; Potočnik, Kristina; Zhou, Jing (July 2014). "Innovation and Creativity in Organizations: A State-of-the-Science Review, Prospective Commentary, and Guiding Framework".

¹ Wladyslaw Tatarkiewicz. "A History of Six Ideas: an Essay in Aesthetics"



айтишимиз мумкинки, таълимда янгича усуллар қўлланмас экан юқоридаги жараёнлар салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Тасаввур қилайлик бир ўқувчи уйда кунининг асосий қисмини кўнгилочар кўрсатувлар ва телефон ўйинлари билан ўтказди, шу тарзда эрталаб уйғонади ва мактабга боради аммо у ердаги ҳар доимгидек ўқитувчининг илмий маърузаси, 4-5 вароқлаб конспект ёздиришлар ва ҳамма ўқувчилар бирма-бир тургазилиб улардан бир хил нарсанинг сўралиши ва уларнинг айнан бир нарсани такрорлашига гувоҳ бўлади. Табиийки бундай жараёнда у ўқувчи ўша кун тунда телевизорда олиб бериладиган севимли киноси ёки дарсдан кейин нима қилиши ҳақида ҳаёл сура кетади. Тўғри “Ўқийдиган болага бундай дарслар қизиқ, ўқийверади” дейшингиз мумкин, ундайлар ҳам борлигини инкор эта олмаймиз аммо тан олиш керак, бир синфда ундай болалардан одатда 3-4 кўпи билан 7-8 та бўлади холос, қолганларичи? Қолганлари барибир бундай системани ҳоҳлашмайди, уларни ўқитишда ўзгача ёндашиш зарур. Акс ҳолда, бола ёшлигидан илмга қизиқтирилмаса кейинчалик бу жараён борган сари қийинлашаверади, бошланғич ва ўрта таълимдан сўнг олий таълимни умуман ҳоҳлашмайди. Натижада мамлакатда зиёлилар қатлами тобора қисқариб боради ва номутахассис ишчилар сони кўпаяверади.

Таълим олувчиларни қандай қилиб креатив фикрлашга ўргатиш мумкин? Инновация яратиш учун тафаккурда қандай ўзгаришлар кечиши лозим? Тасаввур билимдан муҳим(ми?)

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш учун дастлаб бу тушунчанинг мазмунини билиш лозим. Креативлик инглизча “create” сўзидан олинган бўлиб, яратиш маъносини билдиради. Креативлик деганда инсоннинг янгилек яратиш, муаммоларни ечишга қаратилган ижодий қобилияти тушунилади. Унинг ўз мақсади оригиналлик, амалийлик, ноодатийлик ва эркинликдир. Шунингдек, креатив фикрлаш муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш, бир нуқтага турли ракурсдан ёндашишни англатади.

Кен Робинсон томонидан тайёрланган ва You Tube сайтида 5 миллион марта томоша қилинган “Мактаб креативликни барбод этяптими?” номли видеолаваҳда ҳам шу хусусида сўз боради. Ҳарф ўрганиш жараёнидаёқ болаларнинг белгиланган чизиқлар бўйлаб ёзиши, топшириқларни бажаришда намуналар орқали ишлаши, адабиёт дарсларида асарни қандай тушуниш кераклиги тўғрисида маълумотлар берилиши, педагогларнинг яхши бажарувчиларни яхши баҳолаши натижасида болалар қолиплар доирасида фикрлай бошлайди. Оқибатда кўплаб ёшлар топшириқ берилса, намуна борми, деб сўрайдиган ҳолга келган. Бу олдин мавжуд бўлган моделлар асосида ишлашга ўрганиб қолиш натижаси. Бундай вазиятни бартараф этиш учун ўқув жараёнида ижодкорлик сифатларини тарбиялашга аҳамият қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Масалан, ўқувчиларга “Сизга бир кунда 86400 АҚШ доллари берилса, уни нималарга сарфлаган бўлардингиз?” каби ноодатий саволлар берилиши



мумкин. Бу савол ўқувчининг топқирлик, билағонлик, ижодкорлик, масалага турли нуқтайи назардан қарай олиш, яширин жиҳатларни очиш каби хислатларини ривожлантиради. Сабаби, 86 400 бир кундаги сониялар миқдорини англатади. Савол орқали ўқувчига ҳар бир сония қиммати англатилади, уни беҳуда сарфламаслик уқтирилади. Агар ўқувчи савол тагидаги моҳиятни англамаса, унда креатив ва эврестик сифатлар паст ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, нафақат таълимда балки бошқа барча давлат миқёсидаги муҳим соҳаларда ҳам ноодатий ва инновацион усуллар қўлланилиши лозим. Бунда албатта тарихимизда қўлланган миллий дастурларимиздан тўлиқлигича воз кечиш талаб этилмайди, аксинча бу дастурларнинг ютуқларини ҳозирги даврдаги замонавийликка уйғун тарзда тадбиқ этиш, хатоларидан эса тўғри хулоса чиқариш талаб қилинади.

References:

1. Władysław Tatarkiewicz, A History of Six Ideas: an Essay in Aesthetics, p. 244.
2. John Adair. "The art of creative thinking".
3. Gibson, Robyn (2010). "The 'art' of creative teaching: Implications for higher education". Teaching in Higher Education.
4. "What Type of Thinker Are You?". Psychology Today.
5. Anderson, Neil; Potočnik, Kristina; Zhou, Jing (July 2014). "Innovation and Creativity in Organizations: A State-of-the-Science Review, Prospective Commentary, and Guiding Framework".